
Жорий йилда биргина "Кўқдўппи" маҳалла фуқаролар йиғинининг ўзида 6,5 км. ички кўчалар асфальтланади

Фурқат туманида 2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида 25 млрд. 183 млн. сўм маблағ эвазига 20 та маҳалла фуқаролар йиғинида ишлар амалга оширилиши белгиланган.

Ички йўлларни асфальтлаш бўйича 13 та маҳаллада 40,679 км, ичимлик суви таъминоти бўйича 5 та маҳаллада 10,5 км тармоқ тортиш, электр таъминоти ҳамда ижтимоий соҳа обьектларини яхшилаш бўйича ишлар жадал олиб борилмоқда.

Ҳусусан "Кўқдўппи" маҳалла фуқаролар йиғинининг Гулистан-427, Навбаҳор- 601, Жийдазор-969, Ғалаба-1217, Шодлик-1806, Янги ҳаёт-940, Истиқлол-560 кўчаларида, жами 6,5 км. асфальтлаш ишлари бошланди.

Маҳалланинг Истиқлол кўчасида ободонлаштириш-бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, дастур доирасида магистрал йўлнинг 1 км. қисмида асфальтлаш ишлари якунланди.

2023-03-09 20:25:43